

ШАҲРИЁР
Қорақалпоқ халқ дәстони

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти

ТОШКЕНТ
1977

ШАҲРИЁР

Қорақалпоқ халқ достони



ҚУЛАМАТ жировдан АМЕТ ШОМУРОТОВ ёзиг олган

ШАҲРИЁР

Қоракалпоқ халқ достони



Қоракалпоқчадаң МУҲАММАД АЛІ таржыасы

ҰзФ
Ш34

Рассом А. БОБРОВ

„Шаҳриёр“ достони қорақалпоқ халқ оғзаки ижодининг дүрдона асаридир. Достон замирида қорақалпоқ халқининг асрий орзу-умидлари ётади. Ботир Шаҳриёр эзгулик ва адолат йўлида қора кучлар билан жангга киради. Унинг бошига битмас-туганмас балолар ёғилади... Келинг, яхшиси, достон саҳифаларини ўзиниз бир варақлаб кўринг.

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 й. (Тарж.)

ХАЛҚ ДОНИШМАНДЛИГИ ДУРДОНАСИ

Ҳар бир халқнинг донғини дунёга ёйган бир санъати бўлади. Туркман гилами билан, Догистон мисгарлик буюмлари билан, Ўзбекистон осор-атиқалари билан, молдаван рақслари билан оламга машҳур. Буларнинг барчаси санъатдир, бу санъатлар замон-замонлар отадан болага ўтиб, ҳар доим халқнинг қонига сингиб, руҳий дунёсини бойитиб келгандир. Қорақалпоқ халқининг, агар таъбир жоиз бўлса, ана шундай санъати, шак-шубҳасиз, достончиликдир.

Достонлар қорақалпоқ юртида асрлар давомида тилдан тилга кўчиб келади, улар халқнинг руҳий булоғи, ижод чашмаси. Дунё гўзаллигини илк бор таниб олишни ҳам, сулув сўз айтишни ҳам, Ватанин севмоқ, деган буюк сезигини ҳам халқ ўзи яратган достонлардан ўрганди, айни ҷоқда, халқ ўз донишмандлигини шу достонларга жо қилди.

Достонлар ақл ҳайрон қолар даражада жуда ҳам гўзал, донишмандлик билан яратилгандир. Ҳурматли қардош ўзбек китобхонлари қорақалпоқ достонларининг кўрку нафосатини, бағоят образлилигини, оз бўлса-да, тасаввур қилишлари учун ушбу парчани қорақалпоқ тилида келтирмоқчиман. Бир эътибор беринг:

Жылқыши қустын баласы,
Жылғада болар уясы.
Жылға тубин суў алса
Жылап шығар анасы.

Қаршығай құстын баласы,
Қайында болар уясы.
Қайын басын қар шалса
Қайғырар дейди анасы.

Ийтеги құстын баласы,
Еменде болар уясы.
Еменди дауыил енкейтсе,
Енирейди анасы.

Жапалақ құстын баласы,
Жарықта болар уясы.
Жарыққа жылан унилсе,
Жылайды екен анасы.

Халқ достонлари мана шундай равон, образ-
ли қилиб яратилғандир. Бунда ұар бир сүз юк-
ли, ұар банд бир хил ұарф билан бошланади,
сұнъийлик йүқ, аксинча, табиий оқаңг, күнгил-
ни аллаловчы ёқимли оқаңг бор.

Қорақалпоқ халқининг «Қирқ қиз», «Шаҳ-
риёр», «Алпомиши», «Мастпатша», «Қоблан»,
«Әр Зевар», «Бўз ўғлон» достонлари китобхон-
ларнинг севимли асарлари дандир. Бу достон-
ларни халқ минг йиллар давомида хат-қалам-
сиз, ўзининг «қаттиқ қулоги»да — хотирасида
асраб келди. Юртга ёв бостириб келганда халқ
мол-дунёсидан айрилиб, хонавайрон бўлса бўл-
дики, аммо достонларини ғаним қўлида қолдир-
мади. Уни иссиқ нондай қўйнида сақлаб, не-не
замонлардан олиб ўтиб, янги авлодларга етказ-
ди. Халқнинг маданий меросига ленинчасига
ёндашици натижасида бу достонлар бизнинг
даъримизда янгидан туғилди, биргина халқ-
нинг эмас, кўп халқларнинг маданий меросига
айланди. Қаҳрамонлик достони «Қирқ қиз»ни
қадимда қорақалпоқларнинг ўзидан бошиқа би-
ров билган ҳам эмас. Эндиликда «Қирқ қиз» рус,
ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, литва тилларига
таржима қилинди. Достон жаҳон ёзувчи ва
олимларининг дикқатини ўзига тортди. Таниқли
француз ёзувчisi Луи Арагоннинг ҳам «Қирқ

қиз» достонига юксак баҳо берганлиги бизга маълумдир. Яна бир қизиқ нарсани айтиб ўтмоқ керак: «Қирқ қиз»нинг Қорақалпогистондаги шуҳрати шундай зўрки, республикадаги жуда кўп колхоз-совхозлар, майший хизмат уйлари, кинотеатрлар, ресторон, кафеларга, ҳалқ ансамблларига «Қирқ қиз» номи берилган ёки унинг қаҳрамонлари Гулойим ва Сарвиназлар номи билан аталган.

«Шаҳриёр» ҳалқ достонларининг энг қадимгисидир. Шунинг билан бирга энг гўзали ҳамдир, дурданалар ичида яқдонасидир. Ҳалқ тафаккурининг дурданаси, фантазияга бой бу buoyк достон ўз вақтида А. С. Пушкиннинг ҳамдиққатини жалб қилган эди...

Бу достоннинг тақдиди ҳам баҳтли бўлди. 1939 йилда таникли қорақалпоқ ёзувчиси Амет Шомуротов қўнгиротлик Қуламат жировдан достоннинг илк нусхасини ёзиб олди ва нашрга тайёрлади. Бироқ Улуғ Ватан уруши бошланниб кетиб, достоннинг нашри амалга ошмай қолди. «Шаҳриёр» 1959 йилда китоб ҳолида босилиб чиқди. Бундан беш-олти йил илгари москвалик шоир Сергей Северцев таржимасида рус тилида чоп этилган «Шаҳриёр» китобхонлар томонидан шоду хуррамлик билан кутуб олинди. «Шаҳриёр» Иттифоқимизнинг кўзга кўринган сўз усталарининг таҳсинига сазовор бўлди.

Машҳур ўзбек совет ёзувчиси Шароф Рашидов достоннинг рус таржимонига ёзган хатида, «Шаҳриёр»нинг рус тилида босилиб чиқиши кўп миллатли совет адабиётида қувончли ҳодиса эканлигини таъкидлаган эди.

«Мен набирам билан бирга «Шаҳриёр» достонини, мана, учинчи марта мутолаа қилишга киришдим,— дейди Белорусия ҳалқ шоири Максим Танк Қорақалпогистон Ёзувчилар союзига йўллаган мактубида.— Бу достоннинг рус тилида нашр қилиниши Бутуниттироқ адабий ҳаётимизда ҳақиқий кашфиёт бўлди. Бу достон қорақалпоқ ҳалқининг донолигини кўз-кўзла-гувчи достондир».

Болқор шоири Қайсин Қулиев эса бундай ёзади: «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон», «Довуд Сосуний», «Манас» достонлари қаторида халқ шеъриятининг «Шаҳриёр» деб аталган яна бир буюк чўққиси пайдо бўлди».

Мана, «Шаҳриёр» достони ўзбек тилида илк бор нашр этилмоқда. Достонни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, ёш за бардаст шоир Муҳаммад Али таржима қилди. Пухта чиққан бу таржимада достоннинг ўзи га хос миллий хусусиятлари сақланган. Достоннинг тўлақонли бадиий таржима этилишида ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг қон-қардошлиги, бовурдошлиги, тиллари ва шеъриятларининг бир-бирига яқинлиги, ҳамнафаслиги таржимонга, шубҳасиз, катта кўмак берган.

Ҳурматли китобхон! Қардош қорақалпоқ халқининг сўз хазинасидаги бебаҳо дурдона — «Шаҳриёр» достони билан яқиндан танишувингиз онлари етиб келди. Бу танишув, учрашув, ҳориган йўлчини ҳайратда қолдирив қаршисидан чиқиб қолган булоҳдек, сизга роҳат ва ҳузур олиб келмоги табиийдир.

ИБРОҲИМ ЮСУПОВ,
Қорақалпогистон халқ шоири
Нукус, 1976 йил, 8 декабрь

Lituz.com



Lituz.com

To'liq qismini
Shu tugmani
bosish orqali
sotib oling!